



# XASR

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси  
ЎЗЛиДеП

Газета 2004 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган,  
E-mail:  
axborotXXIasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 10 май, пайшанба  
19-(443)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Мустаҳкам оила йили

### БУЊЕДКОРЛИК

АНДИЖОНДА «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН 21 ТА ЯНГИ ЛОЙИҲА АСОСИДА 67 МЛРД. СЎМЛИКДАН ЗИЁД МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА



Андижон вилоятида 2012 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқарилган ялли худудий маҳсулот ҳажми 103,2 фоизни ташкил этди. Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръати 108,3 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш миқдори эса 109,8 фоизга етди.

Шу ўринда қишлоқ туманларида маҳаллий саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натигада ишлаб чиқаришда барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётир.



## ИНСОН ХОТИРАСИ — БОҚИЙ, ҚАДР-ҚИММАТИ — УЛУҒ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, кадр билан улуг. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намён этиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, оловли майдонларда ўз юрти-

нинг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонлар мудом халқимиз ардоғида. Беаёв жанглarda жон фидо қилган боболаримиз хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Бугун ораимизда яшаётган 6 минг 600 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони мам-

лакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шахар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги табаррук масканлардан бири — Хотира майдони ҳар қачонгидан ғажум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

### Аёллар қаноти

### ОРОЛБЎЙИ АЁЛЛАРИ ШИЖОАТИ

«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ЎЗ САЛОҲИАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШЛАРИ УЧУН ҚОРАҚАЛПОГИСТОНДА ҲАМ ИЗЧИЛ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

2012 йилнинг I чорагида аёллар учун 4724 та иш ўрни яратилиб, 3647 млн. сўм миқдоридоғи кредитлар хотин-қизлар тadbirkorлигини ривожлантиришга йўналтирилди. O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва маъқени ошириш бўлими мудир Сорахон Кулибоевнинг фикрича, бу жараёнларда партия сафидаги 542 нафар тadbirkor ва 159 нафар фермер хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ, худудда яратилиши режалаштирилган 20 минг 280 та янги иш ўрнининг асосий қисми кичик бизнес ва оилавий тadbirkorлиқни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, бу O'zLiDeP дастурий ғояларига тўла мос келади, — дейди С.Кулибоева.

Концепция ғоялари — амалда

## РАҚОБАТБАРДОШЛИК

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ

Пойтахтимизда ўтказилган «Тadbirkorлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш: мавжуд ҳолат, муаммолар ва улар ечими» мавзуидаги давра суҳбатида O'zLiDeP ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда рухсат бериш тизими ва соҳада қўлланилаётган амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасида фикр алмашдилар.

Маълумки, истиқлол йилларида Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ўрта қатлам вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тadbirkor ва ишбилармонлар фаолиятини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки айнан ўрта синф — мулк эгалари, фермерлар, кичик бизнес вакиллари фаолияти туфайли аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш мумкинлиги дунё тажрибасидан яхши маълум. Зеро, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ҳам иқтисодий бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган эди. Ана шундай талаблар асосида O'zLiDeP тadbirkorлар ва ишбилармонлар

манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида мамлакатда соғлом рақобатни ривожлантириш учун қўлай бизнес муҳити яратиш, айниқса, рухсат бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва янада қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича қўшимча чора-тadbirkorлар тўғрисида»ги фармони ва «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тadbirkorлик фаолияти эркинлигини янада ошириш бўйича чора-тadbirkorлар тўғрисида»ги қарори билан яратилган имкониятлар туфайли ўнлаб миллион АҚШ долларига тенг миқдорда иқтисодий самара олинган.

### БУГУНГИ СОНДА:



КОНЦЕПЦИЯ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН УШБУ ҚОНУН ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА УЛУШИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. АММО ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МАСАЛАНИНГ БИР ТОМОНИ. ЭНДИГИ АСОСИЙ ВАЗИФА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДИР.

### Парламентда

## ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

2012 йилнинг 3 МАЙДАН КУЧГА КИРГАН «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ Тўғрисида»ГИ ҚОНУН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ЯРАТИБ БЕРИЛГАН ҚўШИМЧА ИМТИЁЗ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН ҲАМ АҲАМИЯТЛИДИР

Тахлилчиларнинг фикрича, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида яратилган мазкур қонунда ўрта синф — мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш, ишлаб чиқарувчилар ва оилавий бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар берилган.

МАҚСАД — ЎРТА СИНФНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ



Равил СОБИРЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Бугунги глобаллашув жараёнлари бизнеснинг сигналган усулларини омаллаш-

тириш ва янги бизнес тузилмаларини ташкил этишни тақозо этаётир. Шу маънода янги таҳрирда қабул қилинган «Тadbirkorлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда мулкдорлар синфи ривожланишини рағбатлантириш, тadbirkorлик субъектлари фаолияти учун янада кўпроқ эркинлик бериш ҳамда уларни ташкил этиш механизмларини соддалаштириш масалалари атрофида камраб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 8 МАЙДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУЎГАТТЕРИЯ ҲИСОБИ.

статистик ва бошқа ҳисобларнинг юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қўйиматини белгилади:

\*) Валюта қўйимати белгилаш юзидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни узиб қўйишга сотини ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	▲ 1887,17
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3002,15
1 Дания кронаси	▼ 325,03
1 БАА диррами	▲ 507,02

1 АҚШ доллари	▲ 1862,03
1 Миср фунти	▲ 308,08
1 Исландия кронаси	▲ 14,81
1 Канада доллари	▼ 1867,07

1 Ҳингй юани	▲ 295,06
1 Малайзия рингити	▼ 608,51
1 Польша злотийси	▼ 574,47
1 СДР	▼ 2828,57

1 Туркия лираси	▼ 1051,88
1 Швейцария франки	▼ 2012,79
1 ЕВРО	▲ 2456,53
1 Жанубий Корея вонни	▲ 16,35

1 Япония иенаси	▲ 233,31
1 Россия рубли	▼ 62,47
1 Украина гривнаси	▲ 233,05

## ИНСОН ХОТИРАСИ - БОҚИЙ, КАДР-ҚИММАТИ - УЛУҒ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀



Сониқ ЗОИР олган сурат

Майдон узра маҳзун муסיқа таралади. Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизда буюк тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 67 йиллиги нишонланмоқда, — деди Ислоҳ Каримов. — Пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда халқимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимларни бажо келтирмоқда. Аввало ана шу аёвсиз урушда қатнашганлар, жанг майдонларидан қайтмаган барча юртдошларимиз хотираси олдидан бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугун сафимизда эсон-омон, бардам бўлиб, барчамизга маънавий мадад бериб, ибрат бўлаётган уруш қатнашчиларини чин қалбимдан табриклаш, уларга узоқ умр тилаб, ўзимнинг самимий ҳурматини билдириш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Агар ана шу дахшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади.

Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксигади, қалбигади муҳиш уруш азоб-қубатлари, айрилик яраси ҳеч қачон унутилмайди.

Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратгандан сўрайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган. Ушбу қадрият халқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб фазилатидир. Шунинг учун ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини биз катта байрам сифатида нишонлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам жаҳон тарихида дахшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-қубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати ҳар қанча вақт ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди, унутилмайди.

Президентимиз бундай муҳиш ва аёвсиз урушнинг яна такрорланмаслиги учун унинг олдини олиш, илдири билан йўқ қилиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуроли тўқнашувлар, қонли фожиялар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади. Қўшни Афғонистонда бун-

манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, оиласи, Ватани тақдирига дахлдор бўлиб яшаш каби эзгу мақсадлар мужассам, деди давлатимиз раҳбари.

Ана шундай омиллар туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик мустақамланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топаётгани, ҳаётимизда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустақамлаш масалалари ҳақида тўхталар экан, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Чунки эртанги кун ёшлар қўлида. Ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни

## 2012 ЙИЛНИ «МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛГАНИМИЗНИНГ ЗАМИРИДА ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ, ҲАР БИР ИНСОННИНГ ЎЗ ХАЛҚИ, ОИЛАСИ, ВАТАНИ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР БЎЛИБ ЯШАШИ КАБИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ, ДЕДИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ.

### АНА ШУНДАЙ ОМИЛЛАР ТУФАЙЛИ ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК МУСТАҲҚАМЛАНИБ, КЎПМИЛЛАТЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ТОБОРА КЕНГ ҚАРОР ТОПАЁТГАНИ, ҲАЁТИМИЗДА АСОСИЙ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИДИР.

дан 30 йил муқаддам бошланган нотинчликнинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Бу нафақат Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман минтақамизда яшаётган барча одамлар учун катта хавф-хатардир. Ўз юрти, оиласи, фарзандларининг келажagini ўйлайдиган ҳар бир инсонни бу ташвишга солиши табиий. Халқимизда "Кўшнинг тинч — сен тинч" деган мақол бежизга айтилмаган, деди Ислоҳ Каримов.

Бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш қутилмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Такрор айтишга тўғри келади: бундай таҳдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз башарасини очиб бериш бугунги замоннинг талаби.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз бундай офатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш йўлида яна бир муҳим масалага жамоатчилик эътиборини жалб қилиш зарурлигини қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз эришаётган, дунё тан олаётган марралар ҳақида сўз юритганда, уларга замин бўлган кўпгина сабабларни келтириш мумкин. Лекин халқимиз кўлга киритган бу натижаларнинг негизиде турган асосий омил — буни бугун ҳеч кимга тушунтириб беришнинг ҳождати йўқ, деб ўйлайман — мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча-барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизиде аввало инсон омили мужассам. Истиқлолимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Тарихан шу қисқа даврда мустақил Ватанимизда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, инсон омили туфайли кўлга киритаётган ютуқларимизни бугун дунё тан олмақда, кўплаб мамлакатлар бизга ҳавас билан қарамоқда. Яқинда пойтахтимизда энг муҳим соҳалар — соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманларда ҳам бу ўзининг яққол тасдиғини топди.

2012 йилни «Мустаҳқам оила йили» деб эълон қилганимизнинг замирида ҳам мамлакатимизда инсон

қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби барчамиз учун ишончли манба ва муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода, бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш маросимининг маъно-мазмунини, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанини ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз кимиз, кимнинг авлодимиз, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусоффо осмонни, она юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътиқод билан яшаш, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, деди Ислоҳ Каримов.

Буларнинг барчаси бизнинг кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўшиши, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳқамлаши табиийдир.

Пировардида Президентимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхтади.

Аввало, дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дарагини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур.

Айни вақтда миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуроли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг гўрур-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўшиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак.

Биз доимо ўз имкониятларимиз, куч-қудратимизга таяниб-суяниб яшаганимиз ва келажакда ҳам шундай бўлажак, албатта.

Биз ўз олдимишга ота-боболаримиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямаган улғу мақсадни, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат қуриш вазифасини қўйганмиз.

Ана шу йўлда Яратгандан халқимизни, Ватанимизни ёмон кўзалардан сақлашда ўзи мададкор бўлишини сўраймиз. Биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз, деди Ислоҳ Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу кун анвойи гулларга бурқанди. Муаззам майдон оқшомга қадар юрт тинчилиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан га�жум бўлди.

УЗА



Сониқ ЗОИР олган сурат

## ШУКРОНА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Президентимиз фармони билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланаётганлиги эса уруш қатнашчилари ва ногиронларга кўрсатилаётган беҳад иззат-ҳурматнинг ёрқин намунаси. Қарши шаҳрида халқимиз тарихи ва бугунга эҳтиром рамзи сифатида «Мотамсаро она» ҳайкали ва «Эл-юрт таянчи» монументи яратилди. Шаҳардаги бекиёв ўзгаришлар Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг ёрқин кўринишидир.

Қарияларини қадрлаган, эъзозлаган эл эса кам бўлмади. Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳам сафлари тобора сийраклашиб бораётган фахрийлар кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида корхона ва ташкилот раҳбарлари, ёшлар ташкилотлари қариялар ҳолидан хабар олмақдалар. Ҳомийлар ёрдамида уруш ва меҳнат фахрийлари турли гўшаларда саёҳатда бўлиб, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламадаги ишлар билан танишаётдилар.

— Бугун Қашқадарёда 478 нафар уруш фахрийси бор, — дейди «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси Январь Иноятов. — Қарши шаҳри ва барча туманларда улар учун байрам дастурхонлари ташкил этилаётти. Қамашлик 102 ёшли Рўзи бобо Сатторов, Эргаш Бегимкулов, Абдусалим Ғофуров, Қарши шаҳрилик Бекмурод ота Элбоев, Олимжон Хамзин каби фахрийлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Байрам арафасида уруш фахрийларининг ҳар бирига 400 минг сўмдан пул мукофоти ва қимматбахо совғалар топширилди.

## Бунёдкорлик

ГУЛИСТОН  
ГУЛИСТОНГА АЙЛанаДИ

Жорий йилда Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳрида 7 миллиард 571 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, айни пайтда шаҳарнинг қатор кўчаларида кенг миқёсдаги қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, икки босқичли дастурга мувофиқ, қисқа вақтда Ўзбекистон ва Сайхун кўчаларида 2 та 18 хонадондан, 6 та 64 хонадондан ҳамда 2 та 16 хонадондан иборат 3 қаватли турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган.

Шунингдек, йил охиригача шаҳар кўчаларида савдо, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчаларига эга бўлган икки қаватли 40 та янги уй бунёд этиш, Мустақиллик байрамига қадар эса ихтисослаштирилган санъат мактаби биносини тўлиқ реконструкциялаш ишларини якунлаш кўзда тутилмоқда.

Шу кунларда эса шаҳар ҳудудидан ўтган «Тошкент-Самарқанд» йўлининг айрим қисмларини таъмирлаш, чеккаларига гул, дарахт кўчатларини ўтказиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда.

## Битирувчи - 2012

## КАСБ ТАНЛАШ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОҲ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ ВА МАҚСАДА МУВОФИҚЛИГИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАСДИҚЛАМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ЎҚИШНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ЎН ИККИ ЙИЛЛИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎЗ САМАРАСINI БЕРАЁТИР

— Туманимиздаги мавжуд йигирма еттита мактабнинг йигирма тўрттаси тўққиз йиллик умумтаълим мактабларидир, — дейди Сергели тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва услубий таъминлаш бўлими мудири Ш.Бурханов. — Бу йил ушбу мактабларни 3240 нафар ўқувчи тамомлайди ва улар касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларда ўқишни давом эттиради. Бизнес вазифамиз эса уларга ўқув юртини ва келажакдаги ўз касбини тўғри танлашга кўмаклашишдан иборат.

Барча 9-синф ўқувчилари шахсий фазилатлар ва қизиқишлар бўйича тест синовларидан ўтади. Барча мактабларда йилга уч марта ўтказиладиган сўровлар давомида улар келгусида қандай касбни эгаллашини, қайси лицей ёки коллежда ўқишини ва бунинг заҳира вариантини аниқ белгилаб олиши керак. Сўровда олинган натижалар мутахассислар томонидан таҳлил қилинади.

Мазкур туманда деярли барча касбларни эгал-

лаш мумкин бўлган еттита касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда улар 3500 нафар йигит-қизни қабул қилишга тайёр. Бу эса мактабларни битирадиган 3240 нафар ўқувчининг касб эгаллаш бўйича талабига тўлиқ мос келади.

Ҳар йили пойтахтимиздаги 118 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларнинг рейтингини тузилиб, мактаб битирувчилари уларнинг қайси бирини кўпроқ ўқишни истиши аниқланади. Бундай нуфузли ўқув юртлирига ўқишга тест натижалари, бошқаларига эса суҳбат асосида қабул қилинади. Шуниси эътиборлики, ўтган йили бундай коллеж ва лицейлар сони 24 тадан 34 тага кўпайди ва бу ёшларнинг ўқишга интилиши кучайиб бораётганидан далолат беради.

Ўқувчилар мазкур ўқув юртлирига ташриф буюриб, бу ерда ўргатиладиган касблар, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишмоқдалар. Энг муҳими, ёшлар ўқув муассасасига унинг ташки

кўриниши ёки спорт зали бор-йўқлигига қараб баҳо бермасдан, ўзи мазкур касбга ҳақиқатан ҳам қизиқадими, бунинг учун керакли лаёқат ва қобилияти борми — шуларни тушуниб етиши керак.

Бу борада ҳар ой бўйича маълум бир ўқиш ва касб йўналишини ўз ичига олган жадвал тузилмоқда. Жумладан, транспорт, коммунал хўжалик ва иқтисодий ойлари ўтказилиб, ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, ўқув йили охирида ҳар бир ўқувчига психолог, мактаб шифокори ва касбга йўналтирувчи мутахассиснинг қайси касбни танлаш кўпроқ маъқуллиги тўғрисидаги хулосалари натижаларига асосланган тавсиялар берилади. Ўтган йили 9-синф битирувчиларининг аксарияти шундай тавсияларга амал қилгани аниқланди.

— Бугунги кунда мактабимизда 1252 нафар ўғил-қиз билим олмақда, — дейди 104-умумтаълим мактаби директори Адиба Каримова. — Уларнинг 157

нафари бу йил мактабни тамомлаб, танлаган йўналиши ва касби бўйича ўқишни давом эттиради. Касбга йўналтирувчи мутахассис оқори синф ўқувчилари билан тушунтириш ишлари ўтказмоқда. Ўқувчиларимиз учун экскурсиялар ва Очк эшиклар кунларини ташкил этаётган 30 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей билан шартнома тузилди. Яқинда тумандаги политехника касб-ҳунар келлежида бўлди ва бу ердаги замонавий ускуналар ҳамда техника ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

— Мен Тошкент коммунал-қурилиш коллежини танладим ва келажакда архитектор касбининг эгалламочкиман, — дейди 9-синф ўқувчиси Аҳам Зокиров. — Аввал ушбу коллежга келиб, унинг ишлаб чиқариш устаноналарини кўздан кечирдим, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатладим. Шу касбни танлаб, тўғри қарор қабул қилдим, деб ўйлайман.

Р.БОНДАРЧУК, УЗА муҳбири.

# ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Хусусан, хусусий секторни кредитлар билан таъминлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби меъёрлар акс эттирилди. Қонунда, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектлари қаторига оилавий корхоналарнинг ҳам киритилиши белгилаб қўйилди. Чунки айни кунда тадбиркорликнинг янги шакли — оилавий бизнеснинг мавқеи тобора ошиб бораёпти.

биркорларнинг давлат органларига мурожаат қилиш тартиби, шунингдек, тадбиркорлар мурожаатларининг турига қараб давлат органлари томонидан қўриб чиқилишининг аниқ муддатлари белгиланди. Бу эса мурожаатларни қўриб чиқиш муддатларини чўзиш, шунингдек, уларни асоссиз рад этиш ҳолатларининг олдини олади.



**Бахриддин БЕКЖАНОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

## ТАДБИРКОР ҲАҚЛИГИ ПРИНЦИПИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНАДИ

— Энг аввало, қонунда тадбиркор ҳуқуқларининг устуворлигига бирламчи эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Унга қўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи белгиланди. Бунда қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолларда бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъекти фойдасига ҳал этиладиган бўлди. Бу эса хусусий сектор вакиллари қонуний манфаатлари тўла таъминланишига хизмат қилади. Мазкур норманинг амал қилиши, шунингдек, жамиятда тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчилар сонини кескин оширишга қаратилганини таъкидлаш жоиз. Натижада ялпи ички маҳсулотда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши ортиб, аҳолини сифатли маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаш, одамларни фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятлари кенгайди.



**Муҳаммаджон ШАРИПОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

## ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ — ТАДБИРКОРДА

— Янги таҳрирдаги қонунда ҳисоботлар тадбиркорлик субъекти хоҳишига қўра қоғозда ва (ёки) электрон шаклда топширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бунда тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклдаги ҳисоботлари тадбиркорлик субъектларининг электрон рақамли имзоси

## БУГУНГАЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТҮСИҚ БҮЛАЁТГАН ЭНГ КАТТА МУАММОЛАРДАН БИРИ — УЛАР ФАОЛИЯТИГА АСОСИЙ АРАЛАШУВЛАР ЭДИ. ЮРТБОШИМИЗ ТАКЛИФИ БИЛАН ЯНГИ ҚОНУНГА БУНДАЙ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР МЕЪЁРЛАР КИРИТИЛДИ.

билан тасдиқланади. Давлат эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон шаклда ҳисоб юритилишининг дастурий таъминотини имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатиш орқали рағбатлантиради. Бунинг афзаллиги шундаки, тадбиркор ҳисобот топшириш учун соатлаб вақт сарфламайди, қоғозбозлик камаяди.

Қонунда, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъекти фақат давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига, яъна тартибдаги тадбиркорлар эса давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклларда ҳисобот тақдим этиши ҳам мустаҳкамлаб қўйилдики, бу давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот талаб этишларини ман этиди.

Ҳақиқатан ҳам, «Тадбиркорлик фаолияти ҳақиқатининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонуннинг кўчага кириши ўрта синфни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилиб, бу мамлакатда соғлом рақобатни, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кўпайтиришга хизмат қилади. O'zLiDeP фракцияси аъзолари Эндиги асосий вазифа — ана шу муҳим ҳужжат ижросини таъминлашдан иборат эканини таъкидламоқдалар.

## Концепция ғоялари — амалда



Солмақ, ЗОИРП олган сурат

# РАҚОБАТБАРДОШЛИК

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шу ўринда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да «бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»-ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин таъкидлаш зарурлиги белгилаб берилганини таъкидлаш жоиз.

Зеро, Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, иқтисодийни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ташаббуси O'zLiDeP электорати манфаатларига тўлиқ мос келишини таъкидлаш жоиз.

Тўғри, ана шундай ҳаётий талабларга қарамай, айрим сиёсий кучлар, айниқса, ЎзХДП вакиллари «Бундай эркинликлар истеъмолчилар ҳуқуқини поймол этишга хизмат қилиш, бозорда сифатсиз маҳсулот ва сифатсиз хизмат кўрсатишга йўл очиб беришни» таъкидламоқдалар. Аммо рақобатбардошлик учун мустаҳкам ҳуқуқий база ва муҳит яратилиши, бир-бирдан сифатли ва истеъмолчи талабидан келиб чиққан ҳолда товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш учун кенг майдон вужудга келишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Буни жаҳон, айниқса, ривожланган мамлакатлар тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

O'zLiDeP фаолларининг фикрича, 2011 йилнинг сентябрь ойида партия ташаббуси билан ўтказилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш» мавзусидаги халқаро анжуман ҳам айнан ана шу мақсадга қаратилган учун халқаро экспертлар эътиборини тортган эди. Унда нафақат миллий рухсат бериш тизимини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари, балки халқаро тажриба ҳам апрофича таҳлил қилинди.

Навбатдаги давра суҳбати иштирокчилар ҳам бундай изчил тадбирлар рухсат бериш тартиб-қоидаларини сезиларли даражада соддалаштириш, шу орқали тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратишини таъкидлашди. Хусусан, давра суҳбатида тадбиркорлик субъектларининг интернет орқали рўйхатга олиш тизимини яратиш, ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини қўллаш, тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган техник талабларни инвентаризациядан ўтказиш, рухсатнома олиниши шарт бўлган фаолият турларини қисқартириш тақлифлари илгари сурилди.

— Бугунги мулоқот мен кутгандан ҳам фойдалироқ ўтди, — дейди Тошкент шаҳридаги «Технофолат-Лух» фирмаси раҳбари, тадбиркор Аҳмад Некбаев. — Ҳақиқатан ҳам, айрим ҳолларда кераксиз тўсиқларга учрамоқдамиз. Аниқ мисолларга тўхталсам, ҳозирда таъмирлаш ва қурилиш соҳаларида хизмат кўрсатаётган тадбиркор бюджет ташкилоти билан шартнома тузади, иш қўламадан қатъий назар, лойиха-смета ҳужжатлари тузиш ва уларни тегишли идораларда экспертизадан ўтказишга мажбур.

Аммо бугунги тезкор, буюртмалар йил сайин кўпайиб бораётган бир даврда лойиҳалаш институтлари барча талабгорлар эҳтиёжини қондира олмайдилар. Натижада ҳар бир ҳужжат натижасини оилаб қуттишга тўғри келади. Мен шу борадаги муаммолар масалаларни ўртага ташлаб, ўз тақлифларимни билдирдим. Ўйлайманки, янги қонун лойиҳасида мулоҳазаларим инобатга олинади.

— Тадбир иштирокчилари, айниқса, тадбиркорлар тилга олаётган айрим муаммолар бу масалага Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилётгани бежиз эмаслигини кўрсатмоқда. Ушбу тақлифлар асосида O'zLiDeP фракцияси вакиллари томонидан парламентда қизгин муҳокама қилинаётган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»-ги қонун лойиҳасида янада такомиллаштирилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаммаджон Турсунов.

— Ана шу жараёнда янада фаол иштирок этиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаши, соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш учун бир қатор лойиҳаларни амалга ошираёلمиз. Бунда «Тадбиркорлар мулоқот форуми»га алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев.

— Айни пайтда фракциямиз аъзолари электорат вакиллари томонидан талаб ва истақларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоботларни топшириш, лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-қоидаларини кескин қисқартириш юзасидан бир қатор тақлифлар тайёрлашга киришдилар, — дейди фракция аъзоси Қобилжон Тошматов. — Бунда асосий эътибор соҳага оид қонунчиликни танқидий таҳлил қилишга қаратилган. Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлари билан давлат бошқаруви идоралари, назорат қилувчи органлар ўртасидаги муносабатларнинг очик ва ошқора бўлиши, тадбиркорлик субъектларидан қонунларда ман этилган ҳисобот ва қўшимча маълумотлар талаб этиш ҳолатларини ҳам таҳлил этимоқдамиз.

Чунки айрим тадбиркорларимиз ҳалигача баъзи-бир фаолият турлари бўйича рухсатномалар олиш қийин кечаётганини, ҳисоботларни топширишга ортқча вақт сарфланаётгани, бу эса тадбиркорларнинг ўз имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳалақит бераётганини таъкидламоқдалар.

Айни пайтда электорат ўртасида янги қонун лойиҳалари, амалдаги қонун ҳужжатларига тақлифлар киритиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш масалалари бўйича махсус сўровлар ўтказиш ҳам фракция фаолиятининг асосий йўналишларидан бўлмоқда.

Амалий мулоқотда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаш ҳамда давр талабларидан келиб чиқиб, маъна эскирган рухсатномалар берилмаётганини, бир-бирини тақдорлайдиган рухсатномаларни мувофиқлаштириш, қонунда назарда тутилмаган янги рухсатномаларни жорий этишни таъкидлаш борасидаги фикрлар ҳам билдирилди. Давра суҳбати бевосита рухсат идоралари вакиллари иштирокида ўтгани эса улар билан тадбиркорлар ўртасида жонли мулоқот ўтказиш имконини ҳам берди.



**Гулжан ХАЛИМУРАТОВА**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

## ҚОНУНДА РАД ЭТИШ РАД ЭТИЛГАН

— Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга қўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича ва, қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган бўлди. Яъни, рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчининг тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга ёки унга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Бундан ташқари, қонунда тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш кафолатларига оид янги модда ҳам киритилган. Яъни тад-

## ТЕКШИРИШЛАР ЯНАДА ҚИСКАРДИ



**Кяхрамон ЭРГАШЕВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Бугунгача тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсиқ бўлаётган энг катта муаммолардан бири — улар фаолиятига асоссиз аралашувлар эди. Юртбошимиз тақлифи билан янги қонунга бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган янги меъёрлар киритилди. Жумладан, бундан буён кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжалиklarининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалли текшириш кўпи билан турт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик

субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалли текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади. Бунда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъекти ва фермер ҳўжалиklarининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида ҳеч қандай режалли текширувлардан ўтказилмайдилар.

Қонунда, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширувлардан ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган қарорига қўра узайтирилиши мумкин. Аммо ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъкид этилмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

## Қонунчилик

# ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛМАДИНГИЗМИ, МАРҲАМАТ, ЗАРАРНИ ТўЛАНГ

## ЯНГИ ҚОНУН АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЁТГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Маъруф УСМОНОВ**, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

2012 йилнинг 20 апрелидан қўра қилган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»-ги қонунга асосан, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарни қоплаши белгилаб қўйилди.

Эндиликда мазкур қонунга асосан, энергия билан таъминловчи ташкилот (ҳудудий электр тармоғи ёки газ таъминоти корхонаси) билан истеъмолчи (юридик ёки жисмоний шахс) ўртасида тузилган шартнома бўйича узрсиз сабабларга қўра қўра электр энергияси ёки газ етказиб берилмаган ёхуд кам етказиб берилган тақдирда таъминотчи ташкилот истеъмолчига етказилган зарарни, яъни электр энергия, газ етказиб берилмаганлиги натижасида тушган харajatлар, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланишига олиб келган ҳақиқий зарарни, шунингдек, истеъмолчи ололмай қолган даромадди, бошқача айтганда,

бой берилган фойдани ундириш тартиби қатъий белгилаб қўйилди.

Маълумки, 1996 йилда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунда истеъмолчиларга шартнома муносабатларининг заиф томони сифатида алоҳида мақом берилиб, улар ҳолатини ишлаб чиқарувчи билан тенглаштириш учун ҳуқуқий чоралар белгиланган эди.

Гарчи Фуқаролик кодексининг 14, 324-моддаларида шу пайтгача етказилган зарар ҳамда бой берилган фойдани ундириш тартиби белгиланган бўлса-да, бироқ янги қонун қабул қилинганга қадар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддаси биринчи қисмига асосан, энергия таъминоти шартномаси бўйича жавобгарликнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, унга қўра, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда таъминотчи ташкилот ёки истеъмолчи (абонент) шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарининга қоплаши шартлиги белгиланган, холос. Энергия таъминотчиси томонидан эса узрсиз сабабларга қўра электр энергияси ёки газ етказиб берилмаслиги оқибатида тад-

биркорлик субъекти ишлаб чиқаришда олиши мумкин бўлган даромадлар, яъни бой берилган фойдасини ундириш тартиби амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган эди.

Шу билан бирга истеъмолчиларга электр энергияси ва узлуксиз газ етказиб берилишини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари мавжуд бўлса-да, амалиётда мазкур турдаги шартномаларнинг тузилиши ва бажарилишида қатор камчиликларга йўл қўйиб келинган ҳеч кимга сир эмас.

Бинобарин, янги қонундан кўзда тутилган мақсад электр энергияси ва газ етказиб беришмаслиги ёки кам етказиб берилиши натижасида тадбиркорлик субъектларига етказилган ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдани таъминотчи корхоналардан ундириш, уларнинг шартномавий жавобгарликларини янада оширишга қаратилган.

Энергия таъминотидаги жа-

вобгарликнинг бундай тартиби хорижий давлатлар амалиётида ҳам мавжуд. Жумладан, Хитой Халқ Республикасида таъминотчи томонидан узрсиз сабабларга қўра, электр энергияси ёки газ етказиб берилмаслиги оқибатида тадбиркорлик субъектига етказилган ҳақиқий зарар ҳамда ишлаб чиқаришда олиниши мумкин бўлган даромадлар, яъни бой берилган фойдани ундириш тартиби қатъий белгилаб қўйилган.

Кайд этиш керакики, қонун билан истеъмолчига бой берилган зарарни тўлаб бериш мажбурияти юкланмаслигининг сабаби шундаки, энергия таъминоти ташкилотларида истеъмолчи томонидан ишлатилмаган электр энергияси ёки газ бўйича бой берилган фойда бўлмайди. Шунинг учун ҳам ушбу қонун билан киритилган ўзгартиш томонлар ўртасидаги тенгликни бузмасдан, аксинча, улар мавқеини бирхиллаштиришга хизмат қилади.

**Таҳририятдан:** хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Концепция асосида қабул қилинган ушбу қонун иқтисодий тизимда тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Аммо қонуннинг қабул қилиниши масаланинг бир томони. Эндиги асосий вазифа унинг жойлардаги ижросини таъминлашдир. Бу эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлардан тортиб маҳаллий кенгашилардаги депутатлар ва, албатта, жойлардаги фаоларимиз зиммасига алоҳида масъулият юклатилишини аналатади. Таҳририят эса ўз навбатида бу жараёни изчил ёритиб, жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаолларимизга амалий ёрдам кўрсатади.

## БУНЁДКОРЛИК

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Илхомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**  
«XXI ASR»

Буни яқинда вилоятда ўтказилган саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси натижалари ҳам исботлади. Унда 165 тадан зиёд саноат корхонаси иштирок этди. Корхоналарда тайёр ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳаракати кучайган. Энг муҳими, қурилатган чора-тадбирлар туфайли иқтисодий самарадорлик йилдан-йилга ортиб бормоқда.


— 2006 йилда биз бор-йўғи 250 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эдик, — дейди «SPZ Bearingz» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бош муҳандиси Расулжон Ортиқов. — Ҳозир эса йилига 11 млрд. сўм миқдоридидаги 600 хил подшипникларимиз мамлакатимиздаги кимё, электротехника саноати, тоғ-металлургия комбинатларига етказиб бериляпти. Бундан ташқари, Россия Федерациясининг Набережний Челни шаҳридаги «КамАЗ», Челябинск шаҳридаги трактор заводлари ҳам биз ишлаб чиқарган подшипниклар тайёрланиб, фойдаланишмоқда. Утган йилнинг ўзига 137 минг АҚШ доллари миқоридида маҳсулот экспорт қилинди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоятда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони ортиб бормоқда. Чет элдан валюта ҳисобига келтириладиган автомобиль қисмлари эндиликда маҳаллий шароитда тайёрланаётган. Андижонлик саноатчилар изланишларни босқичма-босқич давом эттиришмоқда. Масалан, «SDK GROUP AND» да филтратлар, «KEZAR» да цемент, «Руббер траст» да калиш, «Элқабел» да кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шунингдек, баъзи корхоналарда металл қайта ишланаётган бўлса, бошқасида тўқимачилик, трикотаж, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, электр жиҳозлари, қурилишбоп материаллар тайёрланмоқда. Айниқса, хўжабодлик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларига хорижда ҳам талаб юқори. Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли биринчи чорада ташқи савдо айланмаси 715 млн. долларни, жумладан, экспортбоп маҳсулотлар савдоси 174 млн. долларни ташкил этди.

Юртинг кўрки — йўл билан. Андижонликлар йўл қуриш ва таъмирлашга ҳам катта эътибор беришаёпти. Бу борада инвестиция дастурлари асосида ҳукуматимиз томонидан ажратилаётган маблағлар уларга қўл-қанот бўлмоқда. Ҳозирлар Маҳкамасининг 103-сонли қарорига асосан, республика йўл жамғармаси ҳисобидан вилоят ҳудудидидаги 50,3 километрли умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш учун 35 млрд. 610 млн. сўм маблағ йўналтирилганлиги фикримиз далилидир. Жорий йилнинг биринчи чорагида республика йўл жамғармаси буртмачилигида етти та ўтувчи объектнинг барчасида таъмирлаш ишлари бошланган эди. Ана шу даврда 1 млрд. 117 млн. сўм ҳажмдаги таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозирги кунда маҳаллий аҳамиятта молик 16,3 километр узунликдаги автомобиль йўли қайта таъмирланмоқда. Бунинг учун 5 млрд. 900 млн. сўм маблағ ажратилган.

Қишлоқ жойларда ичимлик суви таъминоти яхшилаш учун эса 11 млрд. 760 млн. сўмлик иш бажарилиши ёки 125 километрли сув тармоғи, 69 та қудуқ қурилиб, фойдаланишга топширилиши лозим. Ҳозиргача пудрат ташкилотлари томонидан 2 млрд. 469 млн. сўм миқдоридидаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Хусусан, Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Андижон вилояти турар-жой масивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эзгу ин-



тилишларга рағбат бағишламоқда. Унга қўра, биргина Андижон шаҳрида 22 та асосий кўча қайта таъмирланиб, йўл бўйларидида янги турар-жой бинолари барпо этилаётир. Яқинда Бобур шоҳқўчасида яна бир янги иншоот — «Ором» меҳмонхонаси фойдаланишга

топширилди. У «Валишерлокс» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилди. «Ўзбекистон» кўчасида эса тадбиркор Ҳафизулло Рафиқов томонидан қурилган «Осий» хўжалик моллари дўкони бизмат кўрсата бошлади. Замонавий усулда барпо этил-

ган бу уч қаватли бинонинг биринчи қаватида янги иш ўринлари яратилди.

— Биз Фарғона водийсида биринчи бўлиб металл черепица-профнастил ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди Ҳ.Рафиқов. — Бу маҳсулот жуда хариддорғир. Яқинда барча қулайликларга эга янги дўкон фойдаланишга топширилди. Иккинчи қаватда оиламиз билан истикомат қилаёلمиз. Учинчи қаватда эса турли ўқув марказлари ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Бундай бунёдкорлик жараёни туман марказларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Хўжабод туман марказида қисқа вақт орасида 6 млрд. 200 млн. сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Янги қуриб битказилган иморатлардан 206 та савдо ва маъиший хизмат нукталари жой олди. Навоий шоҳқўчасида тадбиркор Ботиржон Жўраев икки қаватли ошхона ва тўйхона барпо этиш ҳаракатида. Бунинг учун ўз маблағидан ташқари «Қишлоққурилишбанк» туман бўлимидан 160 млн. сўмлик кредит ҳам олди.

Мутахассисларнинг фикрича, инвестицион дастурларга қўра, жорий йилда вилоятда 21 та лойиҳа амалга оширилади. Бу қувватларнинг фойдаланишга топширилиши билан 67 млрд. 872 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ҳамда 1170 та янги иш ўрни яратилади. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши орқали калава ип, пойабзал, цемент каби маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми янада кўпаяди.

Андижон мамлакатимизнинг шарқий қисмида жойлашганлиги учун бу ерда тонг эрта отади, дейишади. Боз устига, андижонликлар эрта туришга ва эрта иш бошлашга одатланган. Уларнинг иш баракаси ва фидойилигининг боиси ана шу каби фазилатлардан қидириш керак, албатта.

### Банк тизими

Реклама ўрнида

## «МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЭЪТИРОФИ

**2012 ЙИЛНИНГ 3-4 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ГОЛЛАНДИЯНИНГ АМСТЕРДАМ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН «МОЛИЯ-КРЕДИТ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ХАЛҚАРО БАНКЛАР МАБЛАҒЛАРИНИ ЁШЛАР ВА БОЛАЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ» МАВЗУИДАГИ АНЖУМАНДА ИШТИРОКЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛИ — «МИКРОКРЕДИТБАНК» ДЕПОЗИТЛАРИ, АЙНИҚСА, «ГУЛГУНЧА», «ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ», ХИЗМАТ ПАКЕТИ, ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ИСТЕЪМОЛ ВА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ, ТАЪЛИМ КРЕДИТИ ҲАМДА «ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР» ТАНЛОВИ ҲАМДА «МЕНИНГ БЕЗНЕС-ҲОЯМ» КАБИ ЙЎНАЛИШЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИЛАР**

**Мусурмон РЎЗИЕВ,**  
«XXI ASR»

Дунёнинг 80 мамлакатидан 340 дан ортиқ молия институтлари иштирок этган мазкур анжуман қатнашчилари айна пайтда Ўзбекистонда банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо берганларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, 2012 йилнинг I чорагида ОАТБ «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 72,8 млрд. сўм миқдоридидаги кредит маблағи ажратилди. Унинг 41,3 млрд. сўми имтиёзли микрокредитлар бўлиб, аёл тадбиркорлар учун 10,5 млрд. сўм, ёш оилаларга 1,4 млрд. сўм йўналтирилган. «Мустақам оила йили» да эса «Микрокредитбанк»нинг молиявий қўмағи эвазига 26,2 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур молия муассасаси ёш мижозлари сафини йилдан-йилга кенгайтирмоқда. Банкнинг молиявий қўлаб-қувватлаш туфайли олий ўқув юрталари таъминланган ёшлар мамлакатимиздаги хусусий корхоналар ва фирмаларнинг кадрлар базасини бойитишаётир. Бунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва



«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда.

Шунингдек, 2012 йилда касб-хўна қўлаб-қувватлаш бўлими «Коллеж ва банк ҳамкорлигида» минтақавий лойиҳаси доирасида банкнинг 6,2 млрд. сўм миқдоридидаги микрокредитини қўлаб-қувватлаш эвазига 800 нафарга яқин касб-хўна қўлаб-қувватлаш жойи йўлга қўйди.

Мазкур йўналишда «Микрокредитбанк» ўз куч ва имкониятларидан келиб чиқиб, ёш мутахассислар ва ишбилармонларни қўлаб-қувватляпти. Бу эса унинг халқаро миқёсидаги нуфузини ҳам оширмоқда. Шу ўринда Бутунжаҳон мик-

ромолиявий ташкилотлари ахборот аламути агентлигининг маълумотларига қўра, «Микрокредитбанк» Европа ва Марказий Осиёнинг микрокредит таъминоти билан шуғулланувчи 100 та энг йirik банклари қаторидан жой олгани ҳам таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, АҚШнинг Бостон шаҳрида чоп этиладиган «Микрокапитал бозори» журна-лида «Микрокредитбанк» Европа ва Марказий Осиёдаги 151 та микрокредитбанклар орасида 5 та энг яхши банklar қаторида эътибор этилгани айтиш лозим.

Умуман, «Микрокредитбанк» жамоасининг изланишлари, энг аввало, мижозлар манфаатига қаратилаяпти. Бу эса ўзаро ишонч, манфаатли ҳамкорликка асосидир.

### Муносабат

## УЧИНЧИ СЕКТОРГА ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ ЭЪТИБОРИ КУЧАЙТИРИЛИШИ КЕРАК

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ БИЛАН ХАМКОРЛИҚДА ЎТКАЗГАН НАВБАТДАГИ СЕМИНАРИ ННТЛАР БИЛАН ОАВ ХАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТИЛДИ**

**Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ**

Мустақиллик йилларида аҳолининг кенг қатламларини қўлаб-қувватлайдиган фуқаролик жамиятининг турли институтлари шаклланишига Конституцияда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига доир асосий принципларнинг мустақамлаб қўйилгани замин бўлди.

Соҳа мутахассислари айна пайтда юртимизда 5,5 мингдан зиёд ННТлар фаолият юритаётгани, уларга 2008-2011 йиллар мобайнида турли фондлар томонидан 15 млрд. сўмдан зиёд грант маблағлари ажратилганини таъкидламоқдалар. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори ўринбосари Адҳам Ҳамдамовнинг фикрича, республика-мизда учинчи сектор, дея аталаётган ННТларнинг демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнидаги фаолияти тобора мустақамлашиб бормоқда.

— Бу бўғин айна пайтда юртдошларимизнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари, фуқароларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва жамиятда ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Семинарда, шунингдек, ННТлар фаолиятини, улар томонидан қўлга киритилаётган натижаларни оммалаштириш, қолаверса, ННТлар ишига ҳалақит бераётган муаммоларни таҳлил қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим эканига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари-ни қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаевнинг фикрича, ННТлар фаолиятини оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасав-вур этиб бўлмайдди. Бас, шундай экан, мамла-катимизда кучли фуқаролик жамиятини шакл-лантириш, ОАВ ва нодавлат нотижорат таш-килотларининг демократик ўзгаришлар жара-ёнидаги ошқоралиги ва очкилигини таъмин-лаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оши-ришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда улар ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим ўрин тутайди.

Бу эса бевосита фуқаролик жамияти ин-ститутларининг мустақил ва эркин ривожла-нишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қону-

ний манфаатларини самарали ҳимоялаш, ННТлар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, мод-дий-техникавий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш-ни кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаолли-гини ошириш масалаларига бевосита бог-лиқдир. Шу боисдан ҳам «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-риш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш Концепцияси»да фуқаролик жамияти ин-ститутларини шакллантириш ва ривожланти-риш соҳасидаги устувор вазифалар белги-ланиб, шу асосда 2011 йил ва келгуси йил-ларга мўлжалланган Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқа-ролик жамиятининг бошқа институтларини қўлаб-қувватлаш жамоат фонди маблағла-рини бошқариш бўйича Парламент комисси-яси томонидан махсус дастур ишлаб чиқил-ди.

Семинарда ННТлар томонидан амалга оши-рилаётган ижтимоий лойиҳалар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлаш-га, турли аҳоли қатламларининг ҳуқуқ ва эр-кинликларини ҳимоялашга ҳам хизмат қила-япти. Жумладан, улар томонидан кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлан-тириш, ишлаб чиқаришга инновацион техно-логияларни жорий этишни рағбатлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалти-риш, биохилма-хилликни сақлашга қаратил-ган лойиҳалар амалга оширилмоқдаки, бу ОАВдан ННТнинг ана шу жараёндаги фаоли-ятини кенг ёритиш ва лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишда фаоллик кўрсатишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилот-лари Миллий ассоциацияси кенгаши раиси Абдумажид Каримов бу масалаларда ассоци-ация барча оммавий ахборот воситалари бил-лан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини бил-дирди. Тадбирда, шунингдек, ННТлар фаоли-ятини кенг ёритиш жараёнида журналистлар-ни керакли маълумотлар билан таъминлаш, ахборот олишга ҳалақит бераётган тўсиқлар-ни бартараф этишдан ҳар иккала томон бир-дек манфаатдор экани таъкидланди.

Семинарда журналистларга соҳада амал-га оширилаётган ишлар, ННТлар фаолиятини учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шаро-ит ва қаролатларни янада такомиллашти-риш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотла-ри саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зар-урлиги тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди. Тадбир якунида ОАВ ходимлари билан соҳа мутахассисларининг ўзаро ало-қаларни мустақамлашга келишиб олинди.

### Қуйи бўғинларда

## СУРХОНДАРЁДА ЯНГИ ҚОНУН ТАРҒИБОТИГА КИРИШИЛДИ

«O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунини ўрганишга бағишланган туркум тадбирлар ўтказилмоқда.

Термиз шаҳрида ўтган навбатдаги анжуманда асосий эътибор яратиб берилган қўшимча имтиёزلарга қаратилди. Учрашувда алоҳида қайд этилганидек, «Мустақам оила йили»да «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишга, O'zLiDeP электорати фаолиятини қонун йўли билан янада мустақамлашга қаратилган ишларни ривожлантиришга хизмат қилади. Янги қонунда оилавий тадбиркорлиқни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор имтиёزلар яратилгани сурхондарёлик тадбиркорларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, қонунда оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи хунарамандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловларидан озод этилгани, оилавий корхона турар-жойдан фойдаланганлиги учун электр энергияси, газ, сув таъминоти ва бошқа коммунал инфратузилма хизматларига аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлаши белгилангани, шунингдек, қонунда таъминот корхоналари томонидан зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолият юритаётган жойгача етказиб берилиши хусусий сектор фаолиятини янада ривожлантириш ва партия электорати сафини мустақамлашга хизмат қилади, албатта.

Йиғилишда вилоят кенгаши раиси ўринбосари Б.Мардаев, Сиёсий таълим маркази раҳбари Г.Амирова, «Агробанк» қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти раиси Р.Қорабевлар сўзга чиқиб, мазкур қонунни жойларда, айниқса, олис ва тоғли ҳудудларда кенг тарғиб қилиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламга етказиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидладилар.

Фарход ТОШБОЕВ тайёрлади.

## «УЧУЗБОШИ»НИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАРИНИ

Хоразмлик пиллакорлар 2012 йилги мавсумда 2060 тонна пилла етиштириш режалаштирмоқдалар. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, мўл ҳосил тўплаш учун жойларда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2836 фермер хўжалиги билан контрактация шартномаси тузилган бўлиб, уларга жами 37443 қути уруғлик тарқатиш мўлжалланмоқда. Ана шу қутиларнинг 10540 таси «Урганч ипак қурти тухуми» масъулияти чекланган жамияти, салкам 20 мингтаси Навоий ва Каттақўрғон уруғчилик корхоналари ва 6 минг донаси эса «Россгрентек» қўшма корхонаси томонидан етказиб берилади. Маълумотларга қўра, вилоят бўйича бу йил 32 мингга яқин хонадонда ипак қурти боқиш режалаштирилган бўлиб, уларга 832 миллион сўмлик ипак қурти уруғлари, 125 миллион сўмлик тўшама қоғоз ва бошқа жиҳозлар етказиб берилган. Қурт парвартишининг ташкил этилишини назорат қилиш, хоналарнинг ҳароратини меъёрий даражада сақлаш мақсадида «Учозбоши» лавозими ташкил этилган бўлиб, айна пайтда 98 нафар пиллакор ана шу вазифада иш олиб бораёпти.

**К**орақалпоғистон Республикаси. О'зЛиДеР Қораўзақ, Кегейли, Чимбой ва Тахтақўпир туманлар кенгашлари аппарат қўғилари, депутатлари ва БПТ раислари иштирокида очик мулоқот ўтказилди. Унда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, партия аъзолари сиёсий саводхонлигини ошириш каби масалалар кўриб чиқилди. Тадбир иштирокчилари БПТларнинг моддий таъминоти ҳамда уларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан аниқ таклифларни ўртага ташлашди.

**С**ирдарё вилояти. Боёвут тумани телекоммуникация-алоқа бўлими қошидаги БПТда «Фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида О'зЛиДеРнинг устувор вазифалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Юртбошимиз Концепциясидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида атрофлича фикр юритилиб, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси муҳокама қилинди. Бу борада қуйи бўғинларнинг масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

**Т**ошкент вилояти. Юқоричирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси қошидаги бошланғич ташкилот-партиявий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш, «Мустақам оила йили»да ёшлар ҳамда аёллар саломатлиги ҳақида гамхўрликни кучайтириш, жойларда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда мавзу юзасидан атрофлича сўз юритилиб, О'зЛиДеРнинг омма билан ҳамфикрлигини янада кенгайтиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

# Бошланғич партия ташкилотларида

Пайшанба | 2012 йил 10 май

WWW.21ASR.UZ  
19 (443)-COH  
e-mail: axborotXlasr@yahoo.com

## ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ

«АГРОБАНК» ОАТБ ҚОШИДАГИ БПТ ФАОЛЛАРИНИНГ ШИОРИ АНА ШУНДАЙ

Абулфайз САЙИДАСКАРОВ,  
«XXI ASR»

Тадбиркорликка эътибор устувор аҳамият касб этаётган бугунги кунда О'зЛиДеРдан электорат вакиллари маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш талаб этилмоқда. Айниқса, эндигина иш бошлаётган ёшларнинг бизнес-режа тузиш, кредит олиш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланиши уларнинг ўзларига бўлган ишончини янада мустақамлашга хизмат қилади. Бу борада «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банки фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.



Солмак ЭОИР олгани сурати

Зеро, банкка кўмак ёки маслаҳат сўраб мурожаат қилаётганлар шунчаки мижоз эмас, балки бўлажак тадбиркор ёки бизнесмен, демакки, фаровонлигимизни таъминлашга хизмат қиладиган фидойи инсонлардир.

«Агробанк» марказий аппаратида хизмат қилаётган 500 нафар ходимнинг 16 фозиси ёки 84 киши О'зЛиДеР аъзоси эканлиги масала муҳиятини янада ойдинлаштиради. Улар уюшган БПТ эса партиянинг қалдирғоч қуйи бўғинларидан биридир. Бу, шубҳасиз, банк жамоасининг О'зЛиДеР билан тўққиз йилдан буён яқин ҳамкорликда фаолият олиб бораётганини кўрсатади.

— Ўтган давр мобайнида юзга яқин давра суҳбатлари, очик мулоқот ва бадиий-маърифий кечалар ўтказдик, — дейди БПТ раиси Иброҳим Ҳақимов. — Йил бошида тузилган режа асосида партия устави ва дастурида белгиланган вазифалар юзасидан билимларимизни мустақамлаб, аҳоли ўртасида оммавий тарғибот ишларини

кучайтираёلمиз. Энг муҳими, кўпгина тадбирларимиз бевосита ўз фаолиятимизга қаратилмоқда. Масалан, режа асосида ўтган тадбирларда 59 та масала муҳокама қилиниб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Зеро, жамоа эришаётган ютуқларда бошланғич ташкилот аъзоларининг ҳам муносиб хиссаси бор.

Молиячилардан иборат ушбу БПТга Нодири Абдурахмонова, Доно Алиева, Машхура Муратова, Шухрат Очлов каби фидойи, изланувчан фаоллар уюшган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бошланғич ташкилот О'зЛиДеР Чилонзор туман кенгашида ҳам катта мавқега эгадир. Етакчининг айтишича, жамоада айниқса ёшларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Уларни маънавий рағбатлантириш, янги ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш диққат марказида тутилапти. Иқтидорли ва малакали ёш мутахассислар партия ҳамда банкнинг кадрлар захирасига олинмоқда.

Албатта, ҳар қандай амалий иш, амалий фаолият тез натижа беради, барча соҳада қўллаб-қувватланади. Лекин етарли сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлмаган аъзолардан кўп нарса талаб қилиш қийин. Улар ўзлари истаган таъминлаш бора партия юқини енгиллаштиришга хисса қўша олмайдилар. Шу боис партия аъзоларининг назарий савиясини ошириш, уларнинг «Сиёсий таълим марказлари» томонидан ташкил этиладиган ўқув ва семинарларда фаол иштирок этишларини таъминлаш чоралари кўрилоқда.

Хусусан, Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқиб, «Оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтиришда О'зЛиДеРнинг рол», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровон ҳаётимиз-

нинг мустақам таянчи» мавзуларида ўтказилган турли тадбирлар, давра суҳбатлари кўпчилиқда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, «2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури» ижросини таъминлаш борасида бошланғич партия ташкилотларининг устувор вазифалари белгиланиб, бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

— Энг асосий бурчимиз — электорат манфатини ҳимоя қилишдир, — дейди БПТ етакчиси Иброҳим Ҳақимов. — Шу мақсадда бошланғич ташкилот ташаббуси билан банк қошида тадбиркорлар учун бепул маслаҳатхона ҳамда кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси ташкил этилди. Улар эндигина ўз бизнесини бошлаётган фуқароларимизга малакали консалтинг хизматлари кўрсатиб, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш йўлида жиддий излашлар олиб бормоқда.

кат тараққиёти ва келажак учун ўзини масъул деб билган аёллар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бундай ола-сингилларимизнинг О'зЛиДеР ғоялари асосида ҳамфикр ва кўмакдош бўлаётгани эса ислохотларнинг муваффақиятидан далолат беради.

ҳамда О'зЛиДеРнинг дастурий вазифалари ижросига бағишланган тадбирларда амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил ахборот берилиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ислоҳ қилиш билан боғлиқ ўзгаришлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганига алоҳида тўхталиш жоиз.

— Жорий йилги лойиҳаларимиз орқали аёллар саломатлиги, оилалардаги соғлом муҳит масалаларига, шунингдек, бу борадаги муаммоларни жамоатчилик назорати ҳамда мутахассислар кўмагида бартараф этишга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди О'зЛиДеР Нукус шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» гуруҳи раҳбари Нургул Нағметова. — 2012 йилнинг ўтган даврида биргина Нукус шаҳрида 20 дан ортик ана шундай тадбирлар ўтказилиб, уларда қарийб 150 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистонда изланувчан, тадбиркор, мамла-

### «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

**Самарқанд.** О'зЛиДеР вилоят кенгаши «Аёллар қаноти»нинг оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган навбатдаги тадбири Каттакўрғон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда оилавий бизнесни ташкил этишга амалий кўмаклашиш масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда, шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатлари «Хусусий мулк кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг аҳамиятига тўхталиб, ўз бизнесини очмоқчи бўлган хотин-қизларга амалий маслаҳатлар бердилар.

### Фарғона.

Ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, кексалар ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш халқимизнинг азалий аънанасидир. Бу жараён айниқса 9 май — Хотира ва кадрлаш кунини янада ёрқинроқ намоеён бўлади. О'зЛиДеР Марғилон шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ташкил этилган «Аждодлар ёди улуг ва муқаддас» мавзусидаги йиғилишда ана шундай умуминсоний туйғулар ана бир бор шарафланди. Юрт озодлиги ва равнақи йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз хотираниб, уруш ва меҳнат фахрийлари тадбирланди.

### Жиззах.

О'зЛиДеР вилоят кенгаши қошида ташкил этилган «Дийдор» сайёр клуби аъзолари томонидан уюштирилган навбатдаги учрашув Пахтакор туманида ўтказилди. Унда «Аёллар қаноти»нинг тумандаги хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш борасидаги фаолияти муҳокама қилинди. Учрашув иштирокчилари тумандаги «Харидор-Барака» ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти билан яқиндан танишишди. Тадбир якунида клуб аъзолари «Дийдор»нинг галдаги учрашувини Форш туманида ташкил этишга келишиб олдилар.



## ФАОЛЛИК ҚУЙИДАН БОШЛАНАДИ

О'ЗЛИДЕР ЗАРАФШОН ШАҲАР КЕНГАШИ ТИЗИМИДА 43 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ БЎЛИБ, УЛАР ЎЗ АТРОФИГА 824 НАФАР АЪЗОЛАРНИ ЖАМЛАГАН

Мансур АСЛОНОВ, «XXI ASR»

Улар партия дастурий вазифаларини амалга ошириш, мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этиш, партия тарафдорлари сафини кенгайтириш йўлида куч-ғайратларини аямаетирлар. Жойларда ўтказилаётган семинар-тренинг, давра суҳбати, учрашув ҳамда конференциялар ҳам партиявий-сиёсий ишлар самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётти.

— Мавжуд БПТларга дунёқараши кенг, сиёсий етук, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган фаоллар раҳбарлик қилишди, — дейди О'зЛиДеР шаҳар кенгаши аппарат раҳбари Олим Санокўлов. — Бу эса ишчимизни анча енгиллаштирмоқда. Ўтган йилнинг ўзида сафдошларимиз сони 52 нафарга кўпайганлиги эътиборга моликдир.

2009 йилда ўз фаолиятини бошлаган 7-автокорхона қошидаги БПТга Улугбек Эргашев раислик қилади. Унинг раҳбарлигида ташкилот қисқа фурсатда О'зЛиДеР шаҳар кенгаши тизимидаги намунали қуйи бўғинлардан бирига айланди. Айни кунда мавжуд партия аъзоларининг 47 нафари ёшлардир. Улар билан ишлашга тобора катта эътибор қаратилмоқда.

— Оммавий-сиёсий тадбирлар жараёнида ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғояларини чуқурроқ сингдириш, диний экстремизм ва турли бузғунчи ғояларнинг асл моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилаёلمиз. Бу борада Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номи китоби биз учун асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди БПТ етакчиси. — Жамоамиз ҳудуддаги қўллаб-қувватлаш корхоналарига автотранспорт хизмати кўрсатади. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда озми-кўпми хиссамиз борлигидан мамнуним. Хусусан, Ерлепес Исмоилов, Абдумўмин Холиқов, Салоҳиддин Абдуразақов, Баҳодир Бозоров ҳамда Назирбек Краснов каби фаоллар ўз бурчларига масъулият билан ёндашиб, барчага ибрат бўлишмоқда.

## «TERRATERMEZ» ҚАДИМИЙ ЧОЛГУЛАРНИ ТИКЛАМОҚЧИ

Шу йилнинг 11-12 май кунлари Ўзбекистон амалий санъати музейида «Чанқовуз овози» фестивали бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида қайта тиклана бошланган миллий чолғу асбобларимизнинг ноёб турларини замонавий руҳда талқин этиш мақсадида «ТеггаТегмез» тарихий-ижодий интернет жамоаси томонидан ташкил этилаётган маъруза фестивалда вилоятларда фаолият кўрсатувчи фольклор ансамбллари ҳамда яккагон ижрочиларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Шу ўринда «ТеггаТегмез» жамоаси «Чанқовуз овози» фестивали доирасида журналистлар ўртасида чанқовуз, сибиэга, гачирнай, қамишнай чолғулари ҳақидаги мақола, эртақ ва ҳикоялар танловини эълон қилганини айтиб ўтиш жоиз.

## ОРОЛБЎЙИ АЁЛЛАРИ ШИЖОАТИ

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

Наргиза ҚАҲҲОРОВА,  
«XXI ASR»

— Аъзоларимизнинг 150 нафари бошланғич партия ташкилоти раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқдалар. Шаҳар ва туманларда тадбиркор хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тадбирларимиз тарғиботида асосан улар кўмагига суянаёلمиз.

Бугун қорақалпоғистонлик О'зЛиДеР аъзолари орасида хотин-қизлар 4000 нафарни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 150 нафарга кўп бўлиб, бу ҳудудда либерал ғоя ва мақсадларнинг аёллар томонидан кўпроқ қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади. Хусусан, Чимбой туманидаги «Нуримова Жамила» хусусий корхонаси раҳбари Ж.Нуримова қандолатчилик цехи очиб, 15 нафар хотин-қизини иш билан таъминлади. Нургул Нағметова эса миллий ва

замонавий йўналишдаги тиркув цехи ташкил этиб, хотин-қизлар учун 20 та янги иш ўрни яратди.

— Қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириб, аёллар бандлигини таъминлашга хисса қўшаётган ҳудудий кенгашлар фаолиятини янада жонлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Насиба Туремуратова.

— Бугун «Аёллар қаноти»нинг фермер аёллар ва тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш борасидаги фаолиятида Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ЕИХ, «Маҳалла» жамғармаси, шунингдек, аёллар манфаатини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Зеро, ягона мақсад йўлида ижтимоий шериклик дугоналаримизни нафақат тадбиркорлик, балки бошқа соҳаларда ҳам етакчилик қилишга ундамоқда.

Шу ўринда «Аёллар қаноти»нинг «Мустақам оила йили» Давлат дастури

**XXI ASR**  
ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ  
2012 ЙИЛ 7 ОЙИГА  
БПТлар учун имтиёзли  
**ОБУНА**  
уюштирилаётганини маълум қилади.  
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



## «Агробанк» ОАТБ

барча юртдошларимизни  
эъозли ва ардоқли байрам —

*Хотира ва қадрлаш  
куни билан қутлайди.*

**9  
Май**



*Инсон қадрли улуглигиб, хотираси  
эъозланаётган юртимизга асло кўз тегмасин.  
Жаннат макони Ўзбекистонимиз янада гуллаб яшнайверсин!  
Бунёдкор халқимиз соғ-омон, осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин!*



## ХАЛҚ БАНКИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ  
жамоаси

сафимизда соғ-омон яшаб келаётган уруш қатнашчиларини,  
муҳтарам фахрийларимиз ва барча юртдошларимизни  
**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**  
**муносабати билан табриклайди.**

Сизлар босиб ўтган машаққатли йўлни  
бугунги авлод ҳеч қачон унутмайди.

**Ҳамиша соғ ва омон бўлинглар, азизлар!**



**ХАЛҚ БАНКИ — ДОИМ СИЗ БИЛАН БИРГА!**

## «ХОНҚА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

жангу-жадалларда мардлик ва жасорат намунасини  
кўрсатган кекса отахонларимиз,  
матонатли онахонларимиз ҳамда барча юртдошларимизни

**Хотира ва қадрлаш куни**

муносабати билан табриклайди.

*Сизларга узок умр, хотиржамлик ва  
сизхат-саломатлик тилаймиз, азизлар!*

**9  
Май**



## Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

*она-диёримизни, халқимизнинг  
озодлиги ва истиқлолини,  
эркин ва фаровон ҳаётини  
шижоат билан мардона  
ҳимоя қилган фидойи  
юртдошларимизни 9 май —  
Хотира ва қадрлаш куни  
муносабати билан табриклайди.  
Сизларга мустаҳкам соғлиқ,  
хонадонларингизга  
қут-барака тилаймиз.  
Яқинларингиз бахти,  
юртимиз равнақи учун  
яна узоқ йиллар дуода  
бўлиб юриш сизларга насиб этсин!*

9

Май



Ўзбек жаңг санъати

ДАТО ЗАИНАЛ АБУ ЗАРИН:

«Энди мен ҳам ўзбек жаңг санъати вакилиман!»

ОСИЁ ПАРАЛИМПИА КҮМИТАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАТО ЗАИНАЛ АБУ ЗАРИН БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «МИРОБОД» СПОРТ МАЖМУАСИДА ЎЗБЕК ЖАНГ САЪАТИ УСТАЛАРИ БИЛАН УЧРАШИБ, МАЗКУР СПОРТ ТУРНИРИНГ НОГИРОНЛАР УЧУН МАХСУС ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН МАТОНАТ ЙўНАЛИШИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўз мухбиримиз

Халқаро жаңг санъатлари ассоциацияси (МАН)нинг Германияда жойлашган бош қароргоҳидан Ўзбек жаңг санъати федерациясига хушхабар келди. Унга кўра, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Пулат Усмонов шарқ яккакураш турлари ва жаңг санъатларини ривожлантиришда фаол иштирок этаётгани, ўзбек жаңг санъатини халқаро майдонда тартиб қилаётгани, кўлаб нуфузли мусобақаларда юрт шарофатини муносиб ҳимоя қиладигани етук спортчиларни тарбиялаётгани учун Халқаро жаңг санъатлари ассоциациясининг ордени билан мукофотлангани маълум бўлди.



какурашлари ва жаңг санъати усталарининг махсус техника бўйича IV халқаро турнирида ўзбек жаңг санъати устаси Ситора Нишонов ва голиблар қаторидан жой олди. Шарқ яккакурашлари ва жаңг санъатлари фестивалида эса Ўзбек жаңг санъати усталари билан учрашиб, мазкур спорт турининг ноғиронлар учун махсус ишлаб чиқилган матонат йўналиши билан танишгани ҳам бежиз эмас.

деган хулосага келдим, — дейди Осийё паралимпия кўмитаси президенти Дато Заинал Абу Зарин. — Уйлайманки, ушбу йўналиш келажакда халқаро майдонларда ҳам кенг оммалашади. Шунинг учун бугундан бошлаб ўзимни ўзбек жаңг санъати вакили, деб ҳисоблайман.

биринчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Терма жамоамиз аъзоларидан Шаҳбоз Усмонов ва Хусан Исмоилов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

2009 йили ташкил этилган Ўзбек жаңг санъати федерацияси кўсқа фурсат ичида самарали натижаларга эришмоқда. Федерация айна пайтда Бутунжаҳон миллий жаңг санъатлари уюшмаси (WoMAU), Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилотини (W.A.S.C.O) ҳамда Халқаро жаңг санъатлари ассоциацияси (МАН) каби нуфузли спорт ташкилотларига аъзо. Россия, Қозғоғистон ва Жанубий Кореяда ўтказилган спорт анжуманларида ўзбек жаңг санъати халқаро спорт ҳам-жамиятида катта қизиқиш уйғотди.

2011 йилги спорт мавсумида ўзбек жаңг санъати усталари халқаро майдонларда кўлаб мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, Испанияда W.A.S.C.O йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида тўрт олтин, беш кумуш ва битта бронза медални кўлга киритди. WoMAU томонидан Жанубий Кореянинг Чонг-Жу шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалнинг махсус мутахассисларнинг оқсак эътирофига сазовор бўлди.

Мамлакатимизда бир неча кун меҳмон бўлган Осийё паралимпия кўмитаси президенти Дато Заинал Абу Зарин бошчилигидаги делегация аъзоларининг пойтахтимиздаги «Миробод» спорт мажмуасида ўзбек жаңг санъати усталари билан учрашиб, мазкур спорт турининг ноғиронлар учун махсус ишлаб чиқилган матонат йўналиши билан танишгани ҳам бежиз эмас.

— Ўзбек жаңг санъатининг матонат йўналиши инсоннинг иродасини тарбиялайдиган, уни мақсад сари интилишга ундайдиган хусусиятларга эга экан,

Мамлакатимиз ўзбек жаңг санъати усталари жорий йилги спорт мавсумида ҳам юқори натижаларга эришишмоқда. Яқиндагина Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган VI жаңг санъатлари Олимпиадасида спортчиларимиз Ватанимиз шарофатини муносиб ҳимоя қилдилар.

Дунёнинг элликдан зиёд давлатидан 9000 нафарга яқин спортчи иштирок этган нуфузли мусобақанинг яккакураш турлари бўйича ўтказилган беллашуварларида ҳамюртларимиздан Мурод Эрмонов биттадан олтин ва кумуш медални кўлга киритган бўлса, Шерпўлат Усмонов

— Терма жамоамиз аъзоларининг мазкур олимпиадада намойиш этган кўрғазмали чиқишлари ҳам хоризлик мухлиси мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Ўзбек жаңг санъати федерацияси вице-президенти Зафарбек Алимбеков. — Аждодларимиздан мерос қадриятлар, анъаналар, яккакураш ва жаңг усуллари бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам жадал оммалашаётгани бизни янги-янги маргарлар сари руҳлантирмоқда.

ҚУЛАЙЛИК

ҚАМЧИҚ АВТОБУСЛАР ҚАТНОВИГА ТАЙЁР

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 2012 йилнинг I чораги якулига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Термиз дарё порти учун 400 тонна юк ташиш имкониятига эга бўлган янги барча харид қилинган, Қамчиқ домини орқали Фарғона водийсига автобус қатновини йўлга қўйиш лойиҳасига мувофиқ дастлабки синовлар муваффақиятли амалга оширилгани ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, жорий йилнинг 3 ой давомида турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан республика бўйича 70 га яқин янги автобус йўналишлари очилган.

— Натижада ана шу йўналишлар орқали чекка кишлоқларни туман марказлари билан боғлаш ҳамда юзлаб иш ўринларини яратиш имкониятига эга бўлди. Яқинда эса «Мерседес» автобусида Қамчиқ домини орқали синовли рейслар амалга оширилди. Хайдовчилару техник-экспертларимизнинг хулосаларига кўра, Қамчиқ автобусларини қабул қилишга тайёр, — деди агентлик бошлиғи ўринбосари Ш.Шоваҳобов.

— Бундан ташқари, дарё транспортини ривожлантириш мақсадида Термиз портига Россиянинг ТКТ кемасозлик компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий юк кемаси келтирилганини айтиб ўтиш жоиз. Айна пайтда олиб келиш жараёнида майда қисмларга бўлинган мазкур транспорт воситасини йиғиш ишлари якунланмоқда.

Шухрат ХҲҲАЕВ.



ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС

БУГУН ХАЛҚИМИЗ ЭРКИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙўЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛГАН ВАТАНПАРВАР ЮРТДОШЛАРИМИЗ ОРАСИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ БўЗ ТУМАНИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАҲРИЙСИ КўЧҚОРБОЙ ОТА ЮНУСОВ ҲАМ БОР. У ИККИНЧИ ҲАҲОН УРУШИНИНГ СУРОНЛИ ЙИЛЛАРИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛИБ, ЁШ ЙИГИТЛИК УМРИНИ ФРОНТИНГ ОЛДИНГИ МАРРАЛАРИДА ЎТКАЗДИ

Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ, «XXI ASR»

— Биз урушда бўлганимизда доимо ортимизда Ватанимиз шаъни ва обрўси, халқимизнинг ор ва номуси турганлигини жуда яхши англадик, — дейди Кўчқорбой ота. — Шулар ҳақида ўйлар эканман, бугунги тинч ва осуда замонимизга шукроналар айтаман. Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг фаровон келажагини ўйлаб амалга оширилаётган исло-

ҳотлар натижасини кўрганамда беҳад қувонаман. Айниқса, уруш ва меҳнат фаҳрийларига кўрсатилаётган иззат-икромдан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Бундай ғамхўрликлар тўғайли биз кексалар умрига умр қўшилмоқда. Мана, мен бу йил 90 баҳор-руси, қарши олдим. Насиб этса, яна узоқ йиллар фарзандларим ва набираларимга бош бўлиб, қарилк гаштини суришни ният қилаяман.

Кўчқорбой отанинг умр йўли ҳам халқимиз ва мамлакатимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш, меҳнатда ўзини кўрсатишдан иборат бўлди. У Марказий Фарғона чўлла-

рини ўзлаштиришда фаол иштирок этди. Бўз тумани ижрия кўмитаси масъул қотиби ва ижтимоий таъминот бўлими мудирини вазиғларидан меҳнат қилди.

Бўз шаҳарчаси Гузар маҳалласида яшаётган Кўчқорбой ота Юнусов айна кунда 2 ўғил, 6 қизи, 39 набир ва 43 чеваралари қуршовида умргузаронлик қилмоқда.

Энди у муқаддас хотираларга суняиб яшайди. Бу хотиралар асосини озодлик ва эрк учун кураш, жангу-жадаллар, меҳнат фронтидаги жасоратлар ташкил этади. Ота бундай ўчмас хотираларни ёшларга ҳикоя қилиб чарчамайди.

Огоҳ бўлинг

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ПЛАСТМАССАДАН АСРАНГ!

Америка Қўшма Штатларида болалар озуқа маҳсулотларини гластик идишларда қадоқлашни таъқиқловчи янги қарор қабул қилинди. Ҳукуматнинг бундай қарорга келишига мазкур идишлар таркибида махсулот сифатини бузадиган бисфенол «А» моддаси борлиги сабаб бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур захарли модда кўпрок суг маҳсулотлари қадоқланадиган пластмасса идишларда учраб турибди.



Реклама

КСИМЕЛИН® Ксилометазолин. Advertisement for nasal drops with text in Russian and Uzbek. Includes image of a car and product bottles.

Йодомарин®. Advertisement for iodine drops with text in Russian and Uzbek. Includes image of a woman and child.